

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурафшон шаҳар
Камбағалликни қисқартириш
ва бандликка кўмаклашиш
бўлими бошлиғи
М.Худайкулов
“6” март 2026 йил.

Нурафшон шаҳар Ҳоким ёрдамчилари иштирокида ўтказилган
йиғилиш
БАЁНИ

“6” март 2026 йил.

Нурафшон шаҳар

Раислик қилувчи: **М.Худайкулов-Нурафшон** шаҳар
Камбағалликни
қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш
бўлими бошлиғи

Қатнашдилар: **Ҳоким ёрдамчилари**

Таклиф этилди: **А.Эшбоев-Нурафшон шаҳар ҳокимининг биринчи ўрибосари**

КУН ТАРТИБИ :

1. Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан.
2. Нурафшон шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида.

(*А.Эшбоев, М.Худайкулов, Ҳоким ёрдамчилари*)

Йиғилишни Нурафшон шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи **М.Худайкулов** кириш сўзга чиқиб, Нурафшон шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан икки ой давомида амалга оширилган вазифалар тўғрисида маълум қилди.

Шундан сўнг Нурафшон шаҳар ҳокимининг биринчи ўрибосари **А.Эшбоев** сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги, Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги ва Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонунлари, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 26.05.2023-йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини яна-да кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 91-сон ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасининг, шунингдек, унинг худудий бўлимлари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларида хизмат ўрганиши ва

хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274/10-сон буйруқларида кўрсатилган талабларига мувофиқ иш юритиши лозимлигини таъкидлаб, ҳоким ёрдамчилари ҳамда бўлим ходимлари иш фаолиятида коррупцияга йўл қўймаслик ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида қатий огоҳлантирди.

Шундан сўнг, бўлим бошлиғи **М.Худайкулов** ссуда субсидия ажратиш бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан шу кунга қадар киритилган аризаларни назорат қилиб бориш бўйича тегишли кўрсатмалар бериб ўтди.

Шу билан бирга Микролойихалар бўйича январ-феврал ойлари режани бажаришда сустрасликка йўл қўйиб келаётган ҳоким ёрдамчиларига режани тўлиқ бажарилишини таъминлашлари белгилаб берилди. Юқоридаги топшириқларга маъсулиятсизлик билан ёндошилганда тегишли ҳоким ёрдамчилари ўрнатилган тартибда интизомий жазо қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Шунингдек феврал ойи давомида касб-хунарга ўқитиш режаси бажарилиш ҳолати Мукумий, Тўй тепа, Маърифат, Оппоқ, Бирлик, Дехқонобод, Дегантепа, Нурафшон, Хуррият МФЙ ларида 4 тадан берилган режа кўрсаткичлари 0 фоизда бўлиб, белгиланган режалар бажарилмай келинмоқда.

Аҳоли бандлиги бўйича Оппоқ МФЙ ҳоким ёрдамчиси режага нисбатан 15.7 %, Мукумий МФЙ ҳоким ёрдамчиси 10.6 %, Обод МФЙ ҳоким ёрдамчиси 9.8% бажарган.

Юқоридаги топшириқлар юзасидан режа кўрсаткичлари бажарилмаганда маъсулиятсизликка йўл қўйган ҳоким ёрдамчиларига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Йўналишлар кесмида келган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳоким ёрдамчиси ўз вақтида кўриб чиқишда ва ижросини таъминлашга эътибор қаратилиши тўғрисида тегишли кўрсатмалар бериб ўтилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш қарор қилади.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **А.Эшбоев** маърузаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Бўлим бошлиғин **М.Худайкуловнинг** икки ой давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маърузаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
3. Бўлим бош мутахассиси **Д.Юлдашевга** топшириқларни бажамаётган ҳоким ёрдамчилари бўйича ўз вақтида бўлим бошлиғини хабардор қилиб, тегишли тартибда билдирги киритиш вазифаси белгилаб берилсин. Ушбу топшириқга маъсулиятсизлик билан ёндошилганда юқоридаги бўлим маъсул ходимлари ва тегишли ҳоким ёрдамчиларига ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораси қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирувчи



Н.Мадиярова

